

Аёл макри



12:05 / 13.11.2018 10199

Жуҳа исмли ақлли, аммо жуда камбағал бир одам бор эди. У хотинига:

- Эй хотин, бу йўқчиллик жонимизга тегди. Сенда бу гўзаллик, бу чеҳра бор экан, ақлингни ишга сол-да, бир тузоқ қур, бой бўлайин. Фақат қурган тузоғингга ўзинг тушиб қолма, деди.

Хотин узоқ ўйлади, бир тузоқ ҳозирлади. Эрининг устидан шаҳар қозисига шикоят этмоқчи бўлди. Эртаси куни ясан-тусан қилиб маҳкамага борди, қозига учради:

- Эримдан шикоятим бор, бошқаларга кўнгил берди, менга бепарволик қияпти, деб йиғлади, борини тўкиб солди. Қози шикоятчини бошдан кузатиб деди:

- Эй сарв бўйли гўзал, маҳкамада бу ғала-ғовур, бу шовқин бор экан, сени эшитмаяпман. Танҳо бир ерга борайлик-чи, деди. Хотин фурсатдан фойдаланиб:

- Тўғри гапиряпсиз. Бу жориянғизнинг уйи бўм-бўш. Эрим бўлмиш ландавур қишлоққа кетган. Бу кеча уйимга келинг. Шикоятимни, дардимни шу ерда тушунтираман, дея ширин гаплар айтди. Учрашув соати белгиланди.

Қози тун ярмида уйга борди. Хотин уни ичкарига киритгач, эшик тақиллай бошлади. Хотин безовталиқ билан:

- Эй Худо, эрим келди. Сиз тезда сандиққа беркининг. Йўқса иккимизни ҳам ўлдиради, деб уйдаги бўш сандиқни кўрсатди. Қози кўрқувдан дағ-дағ титрар эди. Сандиққа кирди.

Хотин эшикни очди, эрини ичкарига киритди. Жуҳа ичкарига кирар-кирмас гапиришни бошлади:

- Эй хотин, сендан нима кўрдим. Эшикни ҳатто менга кеч очяпсан. Боримни, йўғимни сенга бағишладим. Аммо хурсанд қилолмадим. Уйда бир шу сандиқ қолди. Уни ҳам эртага бозорда сотаман. Сотилмаса бозор ўртасида ёқаман.

Хотини бундай қилма, деса ҳам, Жуҳа қаршилиқ кўрсатди. Бир арқон олиб келиб, сандиқни яхшилаб боғлади. Ётдилар.

Эртаси куни эрталаб Жуҳа бир ҳаммол чақирди. Сандиқни кўтариб бозорга йўл олди.

Қози сандиқдан "Ҳаммол, ҳаммол..." дея чақираётган эди. Ҳаммол олдинига бу овоз қаердан келаяпти, деб у ер-бу ерга қаради. Кейин овознинг сандиқдан келганини эшитиб қулоқ солди. Қози:

- Эй ҳаммол, мен шаҳарнинг қозисиман. Сен сандиқни кўяр-қўймас маҳкамага бор. Ноибга учраш, ҳолатни тушунтир. Қанча пулга бўлса ҳам сандиқни олсин. Сенга юз олтин бераман.

Ҳаммол айтилганни қилди. Аҳволни тушинтиргач, ноиб бозорга келди. Жуҳага:

- Шу эски сандиқ учун қанча сўраяпсан? - деди.

Жуҳа:

- Тўққиз юз олтин бермоқчилар. Аммо мен минг олтиндан арзонига бермайман.

Хоҳласанг ичини очиб кўр, кейин тушунасан. Ноиб:

- Йўқ, сотиб оламан, деб пулни берди. Орадан бир йил ўтди. Жуҳа пулларини еб битириб, хотинини яна маҳкамага юборди. Хотин маҳкамада яна эридан шикоят бошлаганда, қози уни дарров таниди:

- Сиз бу ўйинни ўтган йили ўйнагандингиз, мени тузоққа туширган эдингиз. Энди қиморни бошқа биров билан ўйнанг, деб маҳкамадан қувибди.

“Маснавийдан ҳикоятлар” китобидан